ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЎТРОҚ АҲОЛИСИ БИЛАН ЧОРВАДОР ЭТНОСЛАР ЎРТАСИДАГИ САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

У.Абдуллаев, Д.Собирова

Мақолада Фарғона водийси ўтроқ аҳолиси билан чорвадор этнослар ўртасидаги савдо-сотиқ, бошқа этник жамоалар билан олиб борган хўжалик-савдо алоқалари, ўтказилган савдо ярмаркалари ва бозорлари, уларда сотилган маҳсулотлар хақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: *савдо, ярмарка, товарлар, этнос, ўтроқ аҳоли, кўчманчи аҳоли.*

В статье приводятся сведения о торговых взаимоотношениях оседлого населения Ферганской долины с другими этническими общностями, в частности, об организации торговых ярмарок и рынков, а также о товарах, продававшихся в них.

Ключевые слова: *торговля, ярмарка, товар, этнос, оседлые, кочевники.*

The article contains some data dealing with trade and mutual relations of ethnoses of Fergana valley with others ethnic communities, in particular, economic-trade relations, trade fairs and the markets, and also the goods which were on sale in them.

Key words: *trade, fair, the goods, ethnos, settled people, nomads.*

Фарғона водийси қадимдан этномулоқот ҳудуди ҳисобланади. Асрлар давомида водий аҳолисининг этник таркиби бу ерга кўчиб келган кўплаб этник жамоалар ҳисобига бойиб, ўзига хос мураккаб кўриниш касб қилган. XX аср бошларига келиб ушбу тарихий-маданий ҳудуд аҳолисининг этник таркиби полиэтниклик хусусиятини сақлаб қолган эди. Бу даврга оид статистик материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, Россия империясининг Туркистон ўлкасига қарашли Фарғона вилояти аҳолисининг 52,7% (828080 нафар)и ўтроқ ўзбеклар, 26,3% (433639 нафар)и қирғизлар, 9,8%(153780) и яримкўчманчи (яримўтроқ) ўзбеклар, 6,6% (103931нафар)и тожиклар, 1,7% (25971нафар)и қорақалпоқлар ва 2,9% (34561 нафар)и бошқа этник жамоа вакиллари бўлган.

Фарғона водийсининг бундай этник таркиби этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, хусусан, савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланиб боришида катта аҳамиятга эга бўлган. Этнослараро савдо- сотиқ алоқаларида водийнинг барча этник жамоалари иштирок қилганлар.

Тадқиқотчилар XIX асрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида савдо-сотиқ уч хил шаклда олиб борилганлигини таъкидлайдилар. Яъни сайёр ҳолда мол айирбошлашга асосланган савдо шакли, вақти-вақти билан ташкил қилинадиган ярмарка савдоси ва, ниҳоят, сайёр тарзда савдо қилиш шакли.

Фарғоналиклар ҳам ҳар уч шаклдаги савдо муносабатларида иштирок этганлар. Гарчи водийнинг ўтроқ аҳолиси учун сайёр савдо шакли хос бўлса-да, улар кўчманчи ва яримкўчманчи халқлар билан ҳам қизғин савдо алоқаларини боғлаганлар. Одатда, бир гуруҳ ўзбек, тожик, уйғур савдогарлари қирғизлар жойлашган олис овулларга бориб савдо муносабатларини амалга оширганлар. Ушбу кўчманчи чорвадор қирғизлар жойлашган ҳудудларда ҳали пул-товар муносабатлари яхши ривожланмаганлиги боис, бу ерларда олиб борилаётган савдо-сотиқ, асосан, маҳсулот айирбошлашга асосланган эди. Яъни Қўқон хонлигининг Тошкент, Хўжанд, Қўқон, Андижон ва бошқа шу каби шаҳарларидан бу ерга келган савдогарлар ўзлари келтирган молларни чорва ва чорвачилик маҳсулотларига айирбошлаганлар. Фарғоналик савдогарлар, асосан, ип-газлама (мато), уй-рўзғор анжомлари, қуруқ мева ҳамда тамаки каби кундалик эҳтиёж молларини кўчманчи чорвадорлар манзилгоҳларига олиб келганлар. Шойи ва нимшойи ҳамда қимматбаҳо тақинчоқлар эса бу ерларга фақат қирғиз ва бошқа чорвадор халқларга мансуб бойларнинг буюртмаси бўйича келтирилган.

Фарғоналик савдогарлар билан кўчманчи қирғизлар ўртасидаги мол айирбошлашда қўй асосий эквивалент вазифасини ўтаган. В.Н.Наливкиннинг таъкидлашича, Наманган бозорида бир рубль турадиган йўл-йўл газламанинг бир яктак ва иштон чиқадиган бир бўлаги учун қирғизлар бир ярим яшарлик эчкини берганлар. Шундай матонинг икки бўлагига эса етилган қўйни алмашганлар[1.6].

Фарғоналик савдогарлар ўзлари олиб борган ип-газлама ва бошқа хонаки ҳунармандчилик маҳсулотларини тери, жун, кигиз, мўйна ва ҳатто қўй

ёғига ҳам алмашганлар. Кўп ҳолларда қирғизларнинг уруғ бошлиқлари – маноплар савдогарлар билан маҳаллий чорвадор қирғизларнинг савдо муносабатларида воситачилик қилганлар. Бундан, албатта, маноп ҳам манфаатдор бўлган.

Қирғиз овулларига бир неча бор ёки ҳар йили келиб турган савдогарларни маҳаллий аҳоли «ўзларининг савдогарлари» сифатида қабул қилганлар [2.121].

XIX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, аср охирларида Фарғона водийси ҳудудидаги мавжуд яйлов ва ўтлоқларни деҳқончилик учун, хусусан, пахтачилик учун ўзлаштирилиб борилиши натижасида чорвачилик билан шуғулланиш имкониятлари олдинги даврларга нисбатан тобора камайиб борди. Оқибатда чорва молларининг, биринчи галда қўйларнинг сони кескин камайиб кетди.

Бундай шароитда, Фарғона водийси ҳудудига қўшни ва олис ҳудудлардан, чунончи, Қоратегин, Матчо, Кулоб, Ҳисор, Зомин, Самарқанд, Ўратепа, Чимкент, Туркистон, Авлиёота, Еттисув ҳамда Қашғар ва Афғонистондан кўплаб чорва моллари олиб келина бошланди.

Четдан Фарғона водийси ҳудудига қўйларнинг кўп миқдорда олиб келинганини ўша даврга оид расмий маълумотлар ҳам кўрсатади. Биргина 1885 йилда Фарғона водийси ҳудудига 276983 бош қўй сотиш учун келтирилган [3.387]. 1893-1899 йиллар орасида бу ерга четдан келтирилган чорва молларининг умумий сони 7.387000 бошни ташкил қилган бўлса [4.134-135], XX аср бошларига келиб Фарғона водийси ҳудудига четдан ҳар йили 3500000 бошга қадар чорва моллари келтирила бошлаган [5.79]. Бу даврда Фарғона водийсига олиб келинаётган чорва ҳайвонларининг асосий қисми Сирдарё ва Еттисув областларига тўғри келар эди. Фақат 1897 йилда водийга келтирилган жами чорва молларининг 92,4%и айнан ушбу икки вилоят ҳудудига тўғри келади [2.134]. Фарғона водийси аҳолиси ташқи иқтисодий-савдо алоқаларининг ривожланиб боришида Туркистон ўлкаси ва Россия империясининг турли ҳудудларида ташкил қилинган ярмаркаларнинг роли ва аҳамияти катта бўлган.

Шимолий Қирғизистоннинг Қарқара дарёси водийсида 1893 йилда очилган ярмарка ўша даврдаги йирик савдо пунктларидан бири ҳисобланган. Қишда қалин қор билан, ёзда чорва учун тўйимли ўтлар билан қопланувчи жуда катта майдонни эгаллаган ушбу жойда қирғиз ва қозоқлар ўзларининг кўп сонли қўйларини боқардилар [2.158]. Маҳаллий қирғиз ва қозоқ чорвадорлари ҳамда Қарқара ярмаркасига ўз молларини олиб келган Фарғона, Қозоғистон, Шарқий Туркистон ва Россия савдогарлари ўртасида кенг кўламда савдо муносабатлари юз берган. Бу ярмаркада асосан чорва ва чорвачилик маҳсулотлари билан савдо қилинган.

Фарғоналик савдогарлар Фарғонадан Қашғарга борадиган савдо йўлида жойлашган Отбош ярмаркасида, Туркистон ўлкасида йирик ярмаркалардан яна бири ҳисобланган Авлиёота ярмаркасида ҳамда бошқа қатор ярмаркалардаги савдоларда ҳам иштирок этганлар ва турли халқлар томонидан ишлаб чиқарилган кўплаб маҳсулотларни водий бозорларига олиб келганлар.

Агар Қирғизистоннинг шимолий ҳудудларидан чорва моллари водийга асосан савдогар молфурушлар томонидан келтирилса, жанубий қирғизларнинг ўзлари аксарият ҳолларда уларни Фарғона бозорларига олиб келганлар.

Аслида жанубий қирғизларнинг барча уруғлари у ёки бу даражада Фарғона водийсининг бошқа этник жамоалари билан юз бераётган хўжалик-савдо алоқаларига тортилган эдилар. Уларнинг бир қисми ўзларига яқин жойлашган Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган шаҳри ва улар атрофидаги қишлоқлар аҳолиси билан алоқада бўлиб келаётган бўлсалар, Боткент қирғизлари Қўқондан ташқари Исфара, Конибодом аҳолиси билан, Лайлак қирғизлари эса Нау, Хўжанд, қисман, Ўратепа аҳолиси билан хўжалик-савдо алоқаларига киришганлар.

А.Ф.Миддендорф қирғиз ва ўзбеклар орасидаги хўжалик муносабатлари ҳақида тўхталар экан, шундай ёзади: "... барча қора-қирғизлар Марғилон уездининг ўтроқ ўзбеклари билан мустаҳкам алоқада яшайдилар. Боз устига, улар Қува, Учқўрғон, Марғилон бозорларига интиладилар" [2.144]. Умуман, этнослараро савдо-сотиқ муносабатлари қизғин кечадиган жой бозор ҳисобланади. Одатда, бундай бозорлар шаҳарларда, катта қишлоқларда ва ҳатто аҳоли манзилгоҳларидан четда ҳам жойлашган бўларди. Аҳоли яшамайдиган жойлардаги бозорлар кўпроқ йирик савдо йўллари ёқасида жойлашган. Шундай савдо пунктларидан бири Наманган уезди ҳудудида, Авлиёота ва Пишпекдан Фарғонага борадиган савдо йўлининг Заркент қишлоғи яқинида жойлашган эди. «Бу жойда жуда катта бозор бор, унга нафақат Нанай ён атрофидаги қирғизлар, ҳатто Намангандан ҳам ўтроқ аҳоли ёпирилиб келади» деб ёзилган тарихий манбаларнинг бирида [6.14]. XIX асрнинг биринчи ярмида қирғиз овулларига яқин жойлашган бозорлардаги савдо муносабатларида савдонинг мол айрибошлаш усулига амал қилинган бўлса, ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқлар яқинидаги бозорларда пул кўпроқ аҳамият касб этган. Айнан

жанубий қирғизлар Фарғона водийсининг ўтроқ аҳолиси таъсири остида пул-товар муносабатларига кўпроқ тортила борганлар. Оқибатда, улар ўз молларининг каттагина қисмини пулга сота бошлаганлар. Бунда улар даставвал Қўқон хонлигида зарб қилинган кумуш тангалар, мис чақалар, кейинроқ эса рус пулларидан фойдаланганлар.

XIX аср охирига келиб қирғизлар орасида пул-товар муносабатларининг тараққий этиб бориши шунга олиб келдики, жанубий қирғизлар савдо-сотиқ қилиш мақсадида Фарғона қишлоқ ва шаҳарларидаги бозорларга тез-тез ва мунтазам равишда келадиган бўлдилар. Бозорга олиб келинаётган молларнинг тури ҳам кўпайиб борди. Улар энди нафақат чорва ва унинг териси ёки жунини, балки улардан тайёрланган қатор маҳсулотларни ҳам, чунончи, арқон, қоп, кигиз, гилам ҳамда бир неча хилдаги кийим-бошларни Фарғона бозорларига кўп миқдорда олиб кела бошладилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан, айниқса, шу асрнинг охирларида Фарғона водийсининг Андижон, Марғилон, Қўқон, Скобелев каби йирик шаҳарларида қирғиз гиламлари кўплаб сотилган. Уларнинг асосий харидорлари ўзбек, тожик ва руслар бўлган.

Жанубий қирғизлар томонидан кўчма уйларнинг айрим қисмлари ҳам сотиш учун махсус тайёрланган. Бундай кўчма уйлар бозорларда ҳатто тайёр ҳолда ҳам сотилган. Уни нафақат водийдаги қирғизлар, балки турк, қурама, қипчоқ, юз каби бошқа яримўтроқ аҳоли ҳамда ўтроқ ўзбек ва тожик халқлари ҳам сотиб олганлар [7.156].

Бундан ташқари, Фарғона бозорларидан қорақалпоқлар томонидан тайёрланган турли хилдаги гилам, олача ва кигизларни ҳам сотиб олиш мумкин эди. Қорақалпоқлар бозорларда қозоқлар билан ўзбеклар ўртасидаги савдода тилмочлик ҳам қилишарди.

Шунингдек, Фарғона водийси бозорларида қипчоқлар томонидан ҳам уй шароитида тайёрланган бир неча хилдаги жун ва ип-газлама маҳсулотлари, хусусан, бўғжома, хуржун, қоп-арқон ва бошқа уй-рўзғор буюмлари, чакмон ва шалвар каби кийимлар ҳамда озроқ миқдорда гилам ва кигизлар ҳам сотиларди [9.136-157].

Ғалланинг бозори ҳам бу даврда чаққон бўлган. Четдан келтирилган ҳамда водий ҳудудида етиштирилган маълум миқдордаги дон ва дон маҳсулотлари бозорда сотилган.

Қўқон хонлиги даврининг охирларидаёқ водийда етиштирилаётган дон маҳсулотлари ичида жўхори етиштиришга алоҳида эътибор берилган. Бозорга олиб чиқилаётган дон маҳсулотларининг асосий қисмини жўхори ташкил қилган. Бошоқли экиннинг ушбу тури нафақат ўтроқ аҳоли, балки яримўтроқ (яримкўчманчи) аҳоли томонидан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулоти сифатида харид қилинар эди [6.235,342,243,261].

Хуллас, XIX-XX аср бошларига келиб водийнинг ўтроқ аҳолиси билан азалий чорвадор этнослари ўртасидаги хўжалик-маданий алоқалар аввалги тарихий даврларга нисбатан анча ривожланган эди. Бу ҳолат этнослараро савдо-сотиқ алоқаларида аниқ намоён бўлди.

Адабиётлар:

1. Наливкин В. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде //Туркестанский сборник.- Т.251.

2. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.- Т., 2000.- 541 б.

3. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарное описание Ферганской области.- Новый Маргелан,1898 // Туркестанский сборник.- Т.125

4. Обзор Ферганской области за 1900 г.- Новый Маргелан, 1901//Туркестанский сборник.- Т.97

5. Заорская В.В., Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края.- Пг., 1915// Туркестанский сборник.- Т.97

6. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины.-Т., 1885//Туркестанский сборник.- Т.197

7. Кетмень-Тюбе в 1898 году.- Андижан. 1904// Туркестанский сборник.- Т.101

8. Шониёзов К. К этнической истории узбекского народа.- Т., 1974.- 321 с.

9. Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан.- Вып II.-М., 1972; Шаниязов К.Ш. Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрьский период. (Процессы интеграции) // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана.- М., 1980.- 279 с.

Андижон машинасозлик институти,
Андижон давлат университети,
2016 йил 5 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)